

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

515 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2012 — 2015 йилларда республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 31 октябрдаги ПҚ–1633-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2012 — 2015 йилларда республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 31 октябрдаги ПҚ–1633-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 12 декабрь,
325-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 12 декабрдаги 325-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш соҳасидаги қонун ҳужжатларини амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 3 июлдаги 281-сон қарори 1-бандининг иккинчи хатбошидаги «Ўзгўштсутсаноат» давлат уюшмаси»

сўзлари «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Нестле Ўзбекистон» Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисида» 1999 йил 14 октябрдаги 462-сон қарори 7-бандининг бешинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан «Ўзгўштсаноат» уюшмаси корхоналари учун белгиланадиган тартибда» сўзлари «конун ҳужжатларида белгиланган тартибда» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика комиссиялари ва кенгашлари таркибларини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 26 июлдаги 358-сон қарорига 32-иловадаги «Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси» сўзлари «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта чигити ресурсларидан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 31 мартдаги 93-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 3-4-сон, 17-модда) 8-бандидаги «Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси» сўзлари «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта чигитини етказиб бериш ва ундан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 18 сентябрдаги 199-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 9-сон, 69-модда):

а) 4-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси» сўзлари «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Пахта тозалаш ва ёғ-мой корхоналарида пахта чигитини ишлаб чиқариш, ҳаракати, сақлаш ҳамда қайта ишлашда дастлабки ҳисобга олишни ташкил этиш тўғрисидаги Низомнинг 25 ва 48-бандларидаги «ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати» сўзлари «озиқ-овқат саноати корхоналари» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ишлаб чиқарилаётган пахта мойи сифатини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 4 сентябрдаги 200-сон қарорида:

а) 4-банддаги ва 5-банднинг биринчи хатбошидаги «ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати» сўзлари «озиқ-овқат саноати корхоналари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-илованинг «Масъул бажарувчилар» устунидаги Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмасига топшириқлар Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмасига топшириқлар билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 апрелдаги 116-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 4-сон, 30-модда,) билан тасдиқланган Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати порталига жойлаштириш учун тақдим этиладиган ахборотлар рўйхатида:

а) 31-банддаги «Ўзёғмойозиковқатсаноат» уюшмаси» сўзлари «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 32-банддаги «Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси» сўзлари «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Бразилия Федератив Республикасидан соя дуккакларини сотиб олиш ва уларни қайта ишлашни ташкил этиш тўғрисида» 2009 йил 22 июлдаги 209-сон қарорида:

а) 3-банднинг учинчи хатбошидаги ва қарорга илованинг изоҳидаги «Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси» сўзлари «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-банднинг биринчи хатбошидаги илованинг «Масъул бажарувчилар» устундаги «Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси» сўзлари «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «2010 — 2012 йилларда Қўқон шахрининг саноат салоҳиятини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» 2009 йил 11 декабрдаги 310-сон қарорига 1 ва 2-иловалардаги Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмасига кўрсатмалар Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмасига кўрсатмалар билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари ҳақида» 2010 йил 10 майдаги 86-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 5-сон, 19-модда) 3-илованинг «Ишлаб чиқувчилар ва биргаликда ишлаб чиқувчилар» устунининг 13 ва 14, 24 — 27-бандларидаги «Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси» ҳамда «Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси» сўзлари тегишли равишда «Озиқ-овқат-саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда БМТнинг мингйилликни ривожлантириш мақсадларини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил 26 январдаги 21-сон қарорига 1-илованинг «Масъул бажарувчилар ва шериклар» устунининг 9-бандидаги «Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси» сўзлари «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг, шунингдек инвестиция лойиҳалари юзасидан ташаббус кўрсатиш ва амалга ошириш учун масъул йирик корхоналарнинг таркибий бўлинмаларини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 23 мартдаги 84-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 3-сон, 19-модда) 1-илованинг 11-бандидаги «Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси» сўзлари «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти «Наманган муҳандислик-технология институтига айлантириш тўғрисида» 2011 йил 25 июлдаги 212-сон қарорида:

а) 5-банддаги «Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмасига» сўзлари «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) қарорга иловадаги Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмасига кўрсат-

малар Озиқ-овқат-саноати корхоналари уюшмасига кўрсатмалар билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтини Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институтига айлантириш тўғрисида» 2011 йил 25 июлдаги 213-сон қарорига илованинг «Масъул бажарувчилар» устунининг I бўлими 8-бандидаги ва II бўлими 6-бандидаги «Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси» сўзлари «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 12 декабрдаги 325-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб ҳисобланаётган баъзи қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон гўшт ва сут саноати («Ўзгўштсутсаноат») давлат-акционерлик уюшмасини ташкил қилиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида» 1993 йил 6 апрелдаги 172-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон гўшт ва сут саноати («Ўзгўшт-сутсаноат») давлат-акционерлик уюшмасини бошқаришни такомиллаштириш ва унинг фаолиятини барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 18 январдаги 30-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг ««Ўзгўштсутсаноат» давлат уюшмаси корхоналарини хусусийлаштириш, акционерлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 19 августдаги 290-сон қарори.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Банк тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 15 январдаги 24-сон қарорига 3-илованинг 4-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 1999 йил 30 апрелдаги 202-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 4-сон, 22-модда) 1-илованинг 12-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «2001-2002 йилларда хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича келгусидаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2001 йил 9 мартдаги 119-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 3-сон, 17-модда) 6-илова II бўлимининг 4-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз

кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида» 2009 йил 30 мартдаги ПҚ–1083-сон ва «Агробанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида» 2009 йил 30 мартдаги ПҚ–1084-сон қарорлари) 2009 йил 20 майдаги 142-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 5-сон, 37-модда) 1-иловининг 4-банди.